



ЯШИЛ СУҒУРТА МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИ

**Юсуфов Асфандиёр
Элдор ўғли**

Мустақил изланувчи

Аннотация. Мақолада яшил суғурта ва унинг яшил иқтисодий шаклларидаги тутган ўрни, ривожланиш тенденциялари, яшил суғурта маҳсулотларининг ўзига хос хусусиятлари ва амалга ошириш механизмлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: яшил суғурта, барқарор ривожланиш, ESG тамойиллари, иқлим ва экологик рисклар, яшил суғурта маҳсулотлари.

Халқаро амалиётда яшил суғурта турлари, жумладан, иқлим суғуртаси, экологик жавобгарлик суғуртаси, табиий ресурсларни тиклашни суғурта қилиш каби шаклларда ривожланмоқда. АҚШ, Германия, Хитой, Япония ва Сингапур каби мамлакатлар ушбу соҳада илғор тажрибага эга бўлиб, давлат сиёсати ва хусусий сектор ҳамкорлигида турли инновацион суғурта маҳсулотларини жорий қилмоқда.

Ўзбекистонда эса бу соҳада илк қадамлар ташланмоқда. Мамлакатдаги экологик ҳолат, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва саноат лойиҳаларининг хусусиятлари, яшил суғурта воситаларини жорий этишга эҳтиёж ва имкониятлар мавжудлигини кўрсатади.

Яшил суғурта – бу суғурта компанияларининг ўз фаолиятида экологик хавфлар ва ижтимоий масъулиятни инобатга олган ҳолда рискларни баҳолаш ва бошқариш тизими. Бу суғурта тури нафақат суғурта рискларини ҳисобга олади, балки иқтисодий, экологик ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш мақсадида инвестиция ва хизматлар орқали ижобий таъсир ўтказади. Яшил суғурта шунингдек, иқлим ўзгариши, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва кам эмиссияли технологияларни қўллаб-қувватлаш каби глобал муаммоларни ҳал қилишда муҳим восита ҳисобланади.

Суғурта хизматлар бозорида рақобат кучайиб бораётган бир шароитда суғурта компаниялар нафақат ўзларининг бозордаги улушини ошириш ҳамда миқдорларни сақлаб қолиш, балки бошқалардан ажралиб туриш учун янги маҳсулотлар, суғурталаш усуллари ва маҳсулотларнинг диверсификациясига ҳам алоҳида аҳамият қаратишмоқда. Бундай усуллардан бири барқарор ва

“яшил” суғурта маҳсулотларини – атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришига мослашишга ёрдам берувчи ечимларни ишлаб чиқишдир.

Барқарор маҳсулотлар - бу ўз ҳаёти давомида экологик, ижтимоий ва иқтисодий фойда келтирадиган товарлар ва хизматлардир. Суғуртада бу қуйидаги сиёсатларни амалга оширади:

– экологик тоза технологиялар ва қурилиш билан боғлиқ рискларни қоплаш;

– мижозларнинг экологик масъулиятли хатти-ҳаракатларини рағбатлантириш;

– иқлим ўзгариши бўйича қарорлар оқибатларидан ҳимоя қилиш (шу жумладан D&O (Directors & Officers Liability) камрови орқали).

1-жадвал

Яшил суғурта маҳсулотлари тақдим этишнинг асосий йўналишлари¹

Мезон	Маҳсулот номи	Қисқача тавсиф
Мол-мулк суғурта йўналиши	Яшил уйни қуриш, тиклаш суғуртаси	Экологик тоза материаллар ва энергия тежайдиган ускуналар учун харажатларни қоплаш
	Қайта тикланадиган энергия учун компенсация	Олинган ортиқча энергияни сотишдан даромадни ва тизимни тиклаш харажатларидан ҳимоя қилади
	Зарарни камайтириш ускуналари учун чегирмалар	Масалан, ёмғир ёки шамолга чидамли панжаралар ўрнатганлик учун чегирмалар бериш
	“Юрилган масофага кўра тўлаш” суғуртаси	Камроқ юрисангиз, камроқ тўлайсиз. Бу чиқинди газларини камайтиришга хизмат қилади
	Экологик тоза транспорт учун чегирмалар	Гибрид ёки электр автомобиллари учун камайтирилган суғурта тарифлари
Тижорат суғурта йўналиши	Автопаркни экологик тозаларига алмаштириш	Транспорт воситаларини янгиларига яъни гибридларга ёки электромобилларга алмаштириш харажатларини қоплаш
	Қайта тикланадиган энергия лойиҳалари суғуртаси	Лойиҳа босқичларининг барча жараёнларини суғурталаш (лойиҳалашдан бошлаб эксплуатация жараёнларигача)
	Яшил ускуналарни суғурталаш	Яшил томлар ва янгиланган технология ускуналарини суғурталаш
	Яшил қурилиш суғуртаси	Экологик тоза материаллар ва технологиялар суғуртаси ва консалтинг харажатларини қоплаш

¹ Адабиётлар таҳлил асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

	Энергия тежаш суғуртаси	Белгиланган тежамкорликка еришилмаган тақдирда харажатларни қоплаш ва компенсация тўлаш
	CO ₂ сақлаш ва камайтириш лойиҳалари суғуртаси	CO ₂ ва бошқа газларини сақлаш лойиҳалари учун рисклардан ҳимоя қилиш
	Яшил биноларнинг обрўсини ҳимоя қилиш	Оммавий салбий ҳолатларга қарши кризис бошқарув хизматларини тақдим этиш
	Тез бузиладиган маҳсулотларнинг йўқолишини камайтириш	Маҳсулотлар сифатини мониторинг қилиш технологияларини қўллашни рағбатлантириш
	Глобал об-ҳаво суғуртаси	Ноқулай об-ҳаво шароити туфайли этказилган зарарни қоплаш
	Углерод савдосидаги сиёсий рисклар	Ҳукуматнинг углерод савдоси жараёнларига аралашувидан ҳимоя қилиш
Махсус суғурта йўналиши	Экологик жаврбгарлик суғуртаси	Атроф-муҳитнинг ифлосланиши билан боғлиқ зарар ва даъволарни қоплаш
	Директорлар ва раҳбарлар (D&O) суғуртаси	Барқарор ривожланиш соҳасидаги ҳаракатлар/ҳаракатсизликлар учун даъволардан ҳимоя қилиш
	Касбий жавобгарлик суғуртаси	Энергия самарадорлигини баҳолаш жараёнларини жорий қилганлик учун чегирмалар
	Энергия аудитори ва уйларни баҳоловчи мутахассислар суғуртаси	Мутахассисларни касбий жавобгарлиги ва мулкый манфаатларини суғурталаш

Иқлим ўзгариши, табиий ресурсларнинг чекланганлиги ва жамиятда экологик онгнинг ўсиши сабаб суғурта соҳасида ҳам янги, барқарор ечимларга эҳтиёж ортиб бормоқда. Шундай ечимлардан бири бу юқорида таъкидланганидек – яшил суғурта маҳсулотларидир. Бу суғурта турлари нафақат экологик рискларни қамраб олади, балки атроф-муҳитга эҳтиёткор муносабатни шакллантиришни рағбатлантиради, энергия самарадорлигини қўллаб-қувватлайди ва истиқболли “яшил иқтисодиёт”ни шакллантиришга хизмат қилади.

Шундай қилиб олиб борилган таҳлиллардан қуйидаги хулосалар чиқаришимиз мумкин бўлади, яшил суғурта нафақат суғурта бозорида янги имкониятлар эшигини очади, балки мамлакатнинг барқарор ривожланиш мақсадларига ҳам хизмат қилади. Бу соҳани ривожлантириш учун ҳам давлат,

ҳам хусусий сектор, ҳам фуқаролик жамияти иштирокида кенг қўламли чоратадбирларни амалга ошириш талаб этилади.